

# Қуръоннинг ҳаммаси тавҳид ҳақидадир | Ақийда дарслари (272-дарс)



19:00 / 08 апрель 911

Қуръоннинг ҳаммаси тавҳид, унинг аҳлининг ҳуқуқлари, мадҳлари ва ширкнинг мазаммати, унинг аҳлининг жазоси ва оқибатлари ҳақидадир.

«Алҳамду лиллаҳи Роббил оламийн», яъни «Ҳамд оламларнинг Робби – Аллоҳгадир» тавҳиддир.

«Ийяка наъбуду ва ийяка настаъийн», яъни «Фақат Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина ёрдам сўраймиз» ҳам тавҳиддир.

«Иҳдинас-сиротол мустақийм», яъни «Бизни тўғри йўлга ҳидоят қилгин» ҳам тавҳид бўлиб, тавҳид йўлига ҳидоят қилиш сўровини ўз ичига олгандир.

«Сиротоллазина анамта алайҳим», яъни «Ўзинг неъмат берганларнинг йўлига» – муваҳҳидлар йўлининг баёнидир.

«Ғойрил мағзуби алайҳим валаззоллийн» (Фотиҳа сураси), яъни «...ғазабга қолганларникига ҳам эмас, адашганларникига ҳам эмас» – тавҳидни саркашлик, жаҳолат ва бузғунчилик ила тарк этиб кетганларнинг йўлини ман қилишдир.

Шунингдек, Суннати набавия ҳам Қуръон далолат қилган нарсаларни баён ва тақрир этиб келгандир.

Роббимиз бизни динимиз усулларида фалончининг фикрига, пистончининг завқига, яна кимнингдир эҳтиросига муҳтож қилмаган. Шунинг учун ҳам Қуръон ва Суннатга хилоф қилганларнинг изтиробга ва ихтилофларга тушиб юрганларини кўраимиз. Чунки Аллоҳ таолонинг Ўзи:

وَرَضِيْتُ نِعْمَتِي عَلَيْكُمْ وَأَتَمَّمْتُ دِينَكُمْ لَكُمْ أَكَمَلْتُ الْيَوْمَ

دِينًا أَسْلَمَ لَكُمْ

**«Бу кун сизга динингизни мукамал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим»** (Моида сураси, 3-оят) деб қўйган.

Демак, биз диннинг мукамаллигида Қуръон ва Суннатдан ташқари нарсага муҳтож бўлмаймиз.

Шунинг учун ҳам Имом Таҳовий «Ақийда»сида:

«Бу ҳақда ўз фикримиз ила таъвил қилишга, ҳавои нафсимизча тахмин қилишга киришмаймиз. Чунки ўз динида фақат Аллоҳга ва Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга таслим бўлганларгина саломат бўлганлар», деган. («Шарҳи ал-Фиқҳул Акбар», 15-16-бетлар.).

**Ақийдатут Таҳовия шарҳининг талхийси» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.